*Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!*

Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2009-yil 1-yanvar, № 01 (626)




БОШ ПРОКУРАТУРАДА

## Кенгайтирилган ҳайъат мажлиси

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.**

**Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятини текшириш ва бу соҳадаги ишларни танқидий таҳлил қилган ҳолда қайта ўрганиш якунлари, Бош прокурорнинг «Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан прокурор назоратини тубдан яхшилаш тўғрисида»ги 40-сонли буйруғи талаблари ижроси аҳволини ўрганиш ва Жиззах вилояти прокуратурасининг фаолиятини комплекс текшириш натижалари муҳокама қилинди.**

Биринчи масала юзасидан прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги билан бирга айрим прокурорлар фаолиятида бу соҳада жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги кескин танқид қилинди ҳамда мазкур йўналишда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳайъат мажлисида бундай хатоларга йўл қўйган вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари ҳамда туман (шаҳар) прокурорлари тушунтириш бердилар.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйган прокуратура органлари ходимлари Бош прокурорнинг буйруғи билан интизомий жавобгарликка тортилдилар.

Шулар билан бирга, ҳайъат мажлисида жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш, фуқароларни жиноий жавобгарликка ноқонуний тортиш ҳолларининг олдини олиш билан боғлиқ масала муҳокама этилиб, дастлабки тергов ва суриштирув органлари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар танқид остига олинди, уларни бартараф этишга доир аниқ вазифалар белгиланди.

Вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар олдига қонунлар ижросига, айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган муносабатни кескин ўзгартириш ва назорат фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш борасида қатъий талаблар қўйилди.

Шунингдек, мажлисда Жиззах вилояти прокуратураси органларининг фаолиятини комплекс текшириш натижалари муҳокама қилиниб, вилоятда қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди ва келгусида эътиборни қаратиш лозим бўлган йўналишлар белгиланди.

Кўрилган масалалар юзасидан ҳайъат мажлиси тегишли қарор қабул қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори Ш.Файзиев, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори М.Усмонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидовлар қатнашдилар.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш ва таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида Битимлар имзоланди.

**Уйғун НИГМАДЖАНОВ,**
**Бош прокуратура бошқарма прокурори**

ҚОНУН ВА ШАРҲ

## Инсон ҳуқуқлари ҳимоясидаги ислоҳотлар

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган қонунлар ва қонуности норматив актлар қабул қилинмоқда. Барча ҳуқуқшуносларнинг вазифаси ушбу қабул қилинган қонунларнинг мазмун ва моҳиятини аҳоли ўртасида тарғибот қилишдан иборатдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Амнистия ҳақида қарорлар қабул қилинмоқда. Куни кеча оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунининг мақсади амнистия актини судга қадар иш юритиш ва жиноий жазоларни ижро этиш босқичида судлар томонидан қўллаш тартибини процессуал жиҳатдан тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонунга мувофиқ Жиноят процессуал кодексига, Жиноят-ижроия кодекси ва «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, Жиноят-процессуал кодексининг ўн олтита моддасига ўзгартишлар киритилди. Бундан ташқари, мазкур Кодекс бешта моддадан иборат, «Амнистия актини қўллаш» деб номланган янги 63-боб билан тўлдирилди. Мазкур бобдаги 587-модда терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини суриштирувчи, терговчи томонидан прокурорга юбориш тартибини белгилайди. Амнистия акти асосида терговга қадар ўтказилган текширув жараёнида, суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида шахсни жавобгарликдан озод қилиш учун қонуний асослар бўлган тақдирда суриштирувчи, терговчи ушбу текширув материалларини ёки жиноят ишини прокурорга мазкур шахснинг аризаси билан, шунингдек, амнистия акти асосида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан бирга юборади. Шу билан бирга, агар бир неча шахсга таааллуқли жиноят иши бўйича улардан лоақал биттаси амнистия актининг таъсир доирасига тушса, жиноят ишининг унга тааллуқли қисми тегишли илтимосномани судга киритиш учун ЖПК нинг 332-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан алоҳида иш юритишга ажратилиши мумкин.

Жумладан, Жиноят-процессуал кодексининг 588-моддасига мувофиқ амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ариза терговга қадар текширув қайси шахсга нисбатан ўтказилаётган бўлса, ўша шахс, гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан тегишинча терговга қадар ўтказилган текширувнинг, суриштирувнинг ва дастлабки терговнинг исталган босқичида берилиши мумкин.

Мазкур кодекснинг 590-моддасига мувофиқ прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимосномаси суд мажлисида кўриб чиқилади. Прокурорнинг илтимосномаси жиноят содир қилган жойдаги ёхуд дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Қайд этилган судларнинг судьяси бўлмаган ёки илтимосномани кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар бўлган тақдирда эса, прокурорнинг илтимосномаси тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси белгилайдиган бошқа суднинг судьяси томонидан кўриб чиқилади. Суд мажлиси илтимоснома тегишли текширув материаллари ёки жиноят иши билан бирга судга келиб тушган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади.

Шу билан бирга мазкур қонун билан Жиноят-процессуал кодексини маҳкумни амнистия акти асосида жазодан озод қилиш тартибини белгилайдиган $536^1$-модда билан тўлдириш назарда тутилган. Ушбу моддада, хусусан, амнистия акти асосида маҳкумни асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиш ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш прокурорнинг илтимосномасига биноан маҳкумнинг жазони ўташ жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Жиноят-ижроия кодексига киритилаётган ўзгартиришлар "Жазодан амнистия ёки авф акти асосида озод қилиш тартиби" деб номланган 166-моддани жазони ижро этиш муассасасининг ёки жазони ижро этувчи бошқа органнинг маъмурияти тегишли асос бўлган тақдирда, маҳкумга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани судга киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома юбориши шартлиги белгиланаётган иккинчи қисм билан тўлдиришни назарда тутган.

Мазкур Қонун билан «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 28 ва 31-моддаларига ҳам ўзгартишлар киритилди. Ушбу ўзгартишлар прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш, шунингдек, маҳкумни амнистия актига асосан жазодан озод қилиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ваколатини мустаҳкамлади.

Амалдаги қонунчиликка киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар бевосита инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилиб, амалиётда уларнинг ижросини оғишмай таъминлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

**Алишер АБЗАЛОВ,**
**юридик фанлар номзоди**

# ПОРАХЎР МАНСАБДОРЛАР

Жамият ҳаётини издан чиқарувчи, барқарор иқтисодиётни тубдан емирувчи иллатлардан бири бу порахўрликдир. Порахўрлик бор жойда ҳеч қандай ривожланиш бўлмайди, тараққиётга ўрин ҳам йўқ. Бу иллатга қарши дунёнинг жамики давлатлари баҳоли қудрат курашиб келмоқда. Шунга қарамай бу иллат батамом йўқ бўлиб кетмаяпти. Баъзида ўзининг турли кўринишлари билан у ер-бу ерда бўй кўрсатиб қолмоқда.

Порахўрлик ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш каби жиноятларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаментининг асосий вазифалари сирасига киради. Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси томонидан ҳам бу иллатга қарши кураш борасида бир мунча ишлар қилинди. 2008 йилнинг ўтган даврида 2 та қонунбузарлик ҳолати фош этилиб, жиноят ишлари қўзғатилди. Жумладан, 2008 йилнинг 25 ноябрида фуқаро О.Юлдошевнинг аризасига биноан тезкор тадбир ўтказилди. Тадбир жараёнида Қашқадарё синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонасининг инспекцион назорат бўлимида 1-тоифали мутахассис вазифаларида ишловчи Жамшид Муҳаммадиев ва Маъруфжон Ҳамроевлар якка тартибдаги тадбиркор Наргиза Аллаёрованинг «нон ишлаб чиқариш ва сотиш» фаолияти учун берилган мувофиқлик сертификатини бекор қилмаслик эвазига унинг турмуш ўртоғи О.Юлдошевдан бир миллион икки юз минг сўмни пора тариқасида олаётганда ушланди. Ж.Муҳаммадиев шахсий тинтувдан ўтказилганда чўнтагидан 2 дона 50 купюрадаги, жами 100 АҚШ доллари олинган.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаролар Ж.Муҳаммадиев ва М.Ҳамроевларга нисбатан Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Бошқарма томонидан порахўрлик ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, иқтисодиёт ривожига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар, валюта, солиқ тизимидаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш борасидаги изчил тадбирлар бундан кейин ҳам давом эттирилади.

**Жума ҚАЮМОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи**

# ЗОРА ИБРАТ БЎЛСА...

Ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур эта олмаймиз. Зеро, у кундалик эҳтиёжимизнинг асосий бўғинига айланиб улгурган. Электр энергиясидан мақсадли ва тежамкорлик билан фойдаланиш эса ҳам давлат, ҳам чўнтакка фойда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аҳоли ўртасида фойдаланилган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича бир қатор тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Аммо, шунга қарамай айрим шахслар томонидан, жумладан Жиззах шаҳар электр тармоқлари корхонасида мансабдор шахс бўлган Мураткон Ваҳобовнинг «ўзим хон, кўланкам майдон» қабилида иш тутиши кишини таажжубга солади.

Аниқроқ айтганда, у 2005 йилнинг январидан то май ойига қадар Жиззах шаҳар электр тармоқлари корхонасида раҳбарлик лавозимида ишлаб келди. Шу вақт мобайнида у бир қатор режаларни амалга оширди-ю, раҳбарлик курсисидан сал пастроққа тушди. Нега дейсизми?! Сабаби у раҳбарлик пайти қилган қинғирликлари тезда кўзга ташланишини хоҳламасди-да. Айтганча, унинг кейинги иши ҳам анчайин «ёғлиқ» эди. Бошқача айтганда, М.Ваҳобов 2006 йилнинг январь ойидан то июнь ойигача корхонада электр энергияси сотиш бўйича бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлади. Унинг асосий вазифаси электр энергиясидан яширин равишда, ноқонуний фойдаланаётган истеъмолчиларни аниқлаш ва электр энергиясидан бўлган дебиторлик қарздорликларни ундириш чораларини кўриш эди. Бироқ, М.Ваҳобов ўз вазифасини унутиб, билганича иш тутди.

Умуман у қисқагина фаолияти давомида тоғдек ишларни қилишга улгурди. Аниқроғи, у корхонада раҳбарлик қилган даврида вилоят электр тармоқлари ОАЖдан ҳар ойда юк хати асосида олинган электр энергиясини ташкилот, корхона ва аҳоли томонидан истеъмол қилинганидан ташқари жами 364 млн. 249 минг 442 сўмлик электр энергиясини, ўринбосарлик лавозимида ишлаган вақтида жами 491 млн. 308 минг 884 сўмлик, умумий қиймати 855 млн. 558 минг 326 сўмлик электр энергияси сарфланганлиги тўғрисида «ишонарли» важлар келтириб, расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритди.

Шунингдек, Жиззах шаҳри ҳудудидаги «Мустақиллик майдони», «Ором бекати», «Боғишамол» дам олиш масканидаги фаввораларга электр энергияси сарфланди, дея ҳисоботларга қўшиб ёзишни ҳам унутмади.

Сохта маълумотлар киритилган ҳисоботларни вилоят электр тармоқлари ОАЖга топширган М.Ваҳобов ўзининг хатти-ҳаракатидан заррача хавотирга тушмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талабларини қўпол равишда бузган М.Ваҳобовнинг айби тезда фош этилди. Маълум бўлишича, у дебиторлик қарзининг сунъий равишда ошишига йўл қўйиб, Жиззах электр тармоқлари корхонаси манфаатига жами 855 млн. 558 минг 326 сўмлик зарар етказган эди.

Мураткон Ваҳобов 2 йил муддатга мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, 3 млн. 348 минг сўмлик жаримага тортилди.

Аввал ҳам бир неча бор судланган М.Ваҳобовга зора бу ибрат бўлса...

**Турғунбой САГАТОВ,**
**Жиззах шаҳар прокурори**

2008 йилнинг апрелида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирди. Мазкур қонун одам савдосига қарши кураш самарасини ошириш, Ўзбекистонда одам савдосига қарши кураш борасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинди. Наманган шаҳар прокуратураси томонидан ушбу қонун ва унга мувофиқ қабул қилинган бошқа қонун ости ҳужжатлар ижроси назоратга олиниб, бу борада аниқланган қонунбузилиш ҳолатларни бартараф этиш юзасидан прокурор назорати ҳужжатларни қўллаш билан бирга ишларни тўғри йўналтириш ва яхшилашга қаратилган қўшимча ташкилий чоралар кўрилмоқда.



# Муаммонинг ечими ҳамжиҳатликда

Яқинда шаҳар прокуратурасида ўтказилган семинар ҳам шундай тадбирлардан бири бўлди. Семинар ўтказишдан асосий мақсад — одам савдосига қарши курашиш ишларини ташкил этишда ва амалга оширишда услубий томондан кўмаклашишдан иборатдир.

Семинарда одам савдосига қарши курашиш тизимига кирувчи давлат органлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари, шаҳар ИИБ таркибий тармоқ раҳбарлари, шаҳар идоралараро комиссиясининг аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Шунингдек, семинарда шаҳар ҳокими, Олий Мажлис Сенат аъзоси М.Юсупов қатнашди.

Семинарда кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиққанлар «Одам савдосига қарши курашни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари», «Одам савдосига қарши курашни ташкил этишда ички ишлар идоралари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамкорлиги», «Одам савдоси билан боғлиқ аризаларни кўриб чиқиш тартиби» мавзулари бўйича маъруза қилдилар.

Семинарнинг иккинчи қисмида шаҳар прокуратурасида «Одам савдосига қарши курашни ташкил этиш бўйича» услубий хонанинг тақдимоти ўтказилди. Ушбу хонада одам савдосига қарши курашишга оид халқаро ҳуқуқий ва миллий қонун ҳужжатлари, одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика ва шаҳар комиссияси ҳужжатлари жамланган.

Бундан ташқари, шаҳар бўйича доимий яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетганлар ва чет элдан қайтиб келган фуқаролар ҳақида, аҳолини иш билан бандлигига доир, шу жумладан, янги иш ўринларини яратилиши билан боғлиқ ҳамда одам савдоси билан боғлиқ қўзғатилган жиноят ишлар бўйича тўлиқ маълумотлар базаси яратилди.

Шу билан бирга, семинарда бу борада қилиниши лозим бўлган бир қатор муҳим вазифалар ҳам таъкидлаб ўтилди.

**Гулноза РАҲИМОВА,**
**Наманган шаҳар прокурорининг ўринбосари**

# ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИДАГИ ҚОТИЛЛИК

Одил Отабеков (исм-фамилиялар ўзгартиб берилмоқда) оиласидан ажрашгач, бутунлай тушкунликка тушиб қолди. Ҳаётдаги омадсизликлари учун фақатгина ўзи айбдор эканлигини тан олгиси келмаган Одил бетартиб ҳаёт тарзига ўтиб олди. Ичкиликка муккасидан кетди.

Одатдаги кунларнинг бирида дунёга хушёр кўз билан қаради. Кўрдики, ҳаёт давом этаяпти. Меҳнат қилган инсон борки, ҳаёти ўнгланиб, фаровонлашиб бормоқда. У ичкиликни ташлашга, ишлаб пул топишга қарор қилди. Ҳаётини янгидан бошлади. Туғилиб ўсган Фарғонадан Тошкентга келди. Яхши одамларга дуч келган экан, иш, яшашга жой топиб беришди. Катта бир хусусий корхона омборида қоровул бўлиб ишлай бошлади. Одамлар билан муносабати яхши томонга ўзгарди. Чўнтаги пул кўрди.

Ўшанда янги йил кечаси эди. Янги йил киришига саноқли соатлар қолганда шу омборда юк ташувчи бўлиб ишловчи Жамшид бир шиша арок кўтариб кириб келди. Анчадан бери ичкиликдан ўзини тийиб юрган Одилнинг иродасизлиги панд берди. Оғайнилар байрам баҳона «яримтани майдалашди». Кейин... Кейин Жамшид яна ароққа чиқиб кетди. Жанжал нимадан келиб чиққанини эслай олмайди. Эсида бори Жамшид уни йиқитиб олиб дўппослаётгани. Кейин нима бўлганини элас-элас эслайди. У Жамшиднинг сочидан чангаллаб, бошини ерга ураверди. Ҳушини йўқотгач, дуч келган ерига тепа бошлади. У тўхтаганида ерда чўзилиб ётган рақибининг жони узилиб бўлган эди. Одилнинг кайфи учиб кетди.

— Тур, Жамшид ука, тур. Мени қўрқитма...

Жамшиднинг жонсиз танаси олдида бир зум тахтадай қотиб ўтирди. Шу дамда бутун ҳаёти унинг кўз ўнгидан ўтди. «Энди янги ҳаёт бошлаган эдим-а! Нега ичдик ўзи! Эсиз, энди кеч. Қочишим керак. Тезроқ бу ерлардан кетишим керак!» Йўқ, у бундай қилмади. Бир умр жазодан, ўзидан қочиб яшай олмаслигига ақли етди. Тонгга яқин милиция идорасига ўз оёғи билан кириб борди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан Одил Отабеков 19 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Рустам РАҲИМОВ,**
**Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси**

# ПОРА, ДИЛНИ ҚИЛДИ ЯРА

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ва шаҳар, туман бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Биргина коррупция ҳолатларини аниқлаш, унинг олдини олиш, бартараф этиш, қонунбузарларнинг раҳномаларини фош этиш борасида 7 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 7 та жиноят иши қўзғатилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги пайтларда айрим солиқ ва ҳокимият идораларининг ходимлари тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашиб, баъзи ҳолатларда таъмагирлик қилаётгани маълум бўлмоқда. Бошқармамизга Нукус шаҳрида яшовчи, «Гул-Бану-Дауран» хусусий фирмаси сотувчиси Даврон Гаипов ариза билан мурожаат қилиб, Нукус шаҳар ДСИ инспектори Мўйтенбай Бекмурзаев ундан 400 минг сўм пора талаб қилаётгани ҳақида ёзади. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилган тадбирда порахўр қўлга тушди. Айбдор қилмишига яраша қонун олдида жавоб берди. Ўтган давр мобайнида 1 нафар солиқ ва 2 нафар бошқа идоралар ходимлари таъмагирлик йўли билан пора олаётганда ушланган.

**Марат ЖАЛГАСБАЕВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бўлим бошлиғи**

# ЖАРГА ҚУЛАГАН ОДАМЛАР

Одамда инсоф бўлмаса қийин. Боши минг бор тошга урилса-да, ҳаётдаги хатоларидан сабоқ чиқармас экан.

Уч нафар фарзанднинг отаси Акбар Тўхтаев ана шундай кимсалардан чиқиб қолди. Самарқанд вилояти Пахтачи тумани «Ражабали» маҳалласида яшовчи бу инсон ҳаётдаги хатоларидан сабоқ чиқармади. Фарзандларига ўрнак бўлиш ўрнига гиёҳвандлик моддаларини сотиш билан машғул бўлди. Ўз мижозларини мунтазам гиёҳвандлик моддалари билан таъминлаб, улардан мўмайгина пул олиб юрди. Икки бор суднинг қора курсисида ўтирган бўлса-да, «эски» одатини қўймади.

Икки марта судланган, Навоий шаҳрида яшовчи Владимир Роман унинг доимий мижозларидан бири эди. Гиёҳвандликка қарши тадбир ўтказилганида Владимир қопқонга тушди. Ички ишлар ходимлари томонидан В.Роман гумонланувчи сифатида текшириб кўрилганда унинг чўнтагидан героин гиёҳвандлик моддаси топилди. Ундан бу «заҳри қотил»ни қаердан, кимдан олгани сўралганида, у Акбар Тўхтаевдан мунтазам равишда сотиб олиб, истеъмол қилиб юришини айтди. Қайта ўтказилган текширишда А.Тўхтаев мижозига 4 дона «чек»ни 40 минг сўмга сотаётганда қўлга олинди.

Терговда ва судда айбдорлар ўз қилмишларига иқрорлик билдиришди.

Судда айбдорлар қилмишига яраша жазосини олди.

**Шавкат ГАФФАРОВ,**
**Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи**

# ХТБдаги «хап-хап»лар...

Инсонга ақл-идрок нима учун берилган? Албатта, аввало нафсни тийиш, оқ-қорани ажратиш, эзгу ишларни қилиш учун. Ақл-идрокдан чалғиш эса инсонни муқаррар ҳалокатга элтади. Айниқса нафс кўйига киришдан ортиқ юзи қаролик йўқ.

Таваккал Маматовдек зиёли, обрўли одамнинг ҳам нафсига эрк бериб, бошқаларни ҳам шу йўлга солади деб, ким ўйлабди дейсиз?! Унга катта ишонч билдиришиб, туман халқ таълими бўлими (ХТБ) мудири этиб тайинлашган эди. Вазифа ваколати, катта маошнинг ўзи ҳам яхши яшаши учун бемалол етарди. Кечагина ёшларга инсофу диёнат, ҳалоллик ҳақида сабоқ бериб, ҳамкасбларига яхши жиҳатлари билан ибрат бўлган одам амалга минибоқ ўзгара бошлади. Ўқитувчи ва тарбиячиларга ҳар ойда маош тариқасида олиб келинадиган пуллар, мактабгача тарбия муассасаларига берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари унинг тинчини ўғирлаб, қаноатини синдирди. «Даврим келди, фойдаланиб қолишим керак», деб ўйлади. Шу мақсадда дастлаб ҳузурига бўлим бош ҳисобчиси Баҳодир Ҳамдамовни чақиртирди. Бу кимса ҳам доимо томоғи «ёғлиқ» юрадиган, «кўпни кўрганлар» хилидан эди. Бундай дейишимизнинг боиси, 2005 йил 26 июнда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 205-модда 2-қисми «а» банди ва 207-модда 1-қисми билан судланганди.

Қисқаси, у мудирнинг тагдор гапларини «тушунди».

— Ишнинг ниҳоятда пухта бўлгани яхши, — деди мудир бош ҳисобчига шивирлаб.

— Ҳаммаси сиз айтгандек бўлади, — деди унга жавобан бош ҳисобчи қўлини кўксига қўйиб.

— Бизга фойдаси тегадиган одамларингиз ишончли, тилига маҳкам бўлсин, кейин...

Мудир гапини тугатолмай қолди. Эшик тақиллаб, остонада қўлида қоғоз билан ҳисобчи Шокиржон Мақсудов пайдо бўлди.

— Узр, бемаврид кирибман, шекилли, — деди у майин табассум билан мудирга.

— Жуда вақтида келдинг, киравер, — деди бош ҳисобчи унга. — Маслаҳатли иш бор. — Кейин мудирга қараб қўшиб қўйди: — Бу йигитга ишонса бўлади, ўзимиздан. Болалар боғчалари ҳисоб-китоби унинг қўлида.

Учовлон гапни бир ерга қўйишиб, чўнтакларини осонгина қаппайтириш режасини тузишга киришишди.

Буни қаранки, Ш.Мақсудов ҳам муқаддам судланганлардан эди. Эсидан чиқарган чоғи, қинғир ишларга бош қўшишга дарров рози бўла қолди...

Азалдан халқимизда етимлар билан болаларнинг ҳақига хиёнат қилиш оғир гуноҳ ҳисобланади. ХТБдаги ўзаро жиноий тил бириктирган гуруҳ аъзолари ишни уволи ва гуноҳидан қўрқмасдан мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланувчилар нонини туя қилишдан бошлашди. Тафтиш жараёнида аниқланган талон-торожлик ҳолатларидан келтириб ўтсак.

2005 йил ноябрь ойи ҳисоботларида 415 минг сўмлик маҳсулотларнинг чиқим қилинганини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса-да, харажатга чиқариб юборилган. Келтирилган бу камомадни 2005 йил декабрь ойида мактабгача тарбия муассасаларидаги тарбияланувчилар таомномаларига қўшиб ёзиш билан «ёпишган». Озиқ-овқат харажатлари таомномага илова қилинган ҳужжатлар 1 млн. 129,6 минг сўмни ташкил этгани ҳолда уни 5 млн. 605,3 минг сўм қилиб кўрсатишган. 4 млн. 475,7 минг сўм ортиқча харажатга чиқарилиб, декабрь ойи ҳисоботидан 663 минг сўмлик маҳсулотлар яшириб қолинган.

«Катта иш»лардан бири жиноий гуруҳнинг фаол аъзоси бўлган Абил Абдуқодиров хўжалик ишлари мудири бўлган 16-болалар боғчасида содир этилган. Қоронғуда топишганлардан бири бўлган бу кимса ҳам муқаддам судланиб чиққанлардан ҳисобланади. Мазкур боғчада 2005 йил ноябрь ойида ўртача бола-куни 970 тани, ҳар бир бола учун кунлик харажат ўртача 1325 сўмни ташкил этган. Туман ХТБ ҳисобхонасига тақдим этилган ҳисоботда эса бола-куни 3171 та қилиб кўрсатилиб, расмий ҳужжатлар сохталаштирилган. 2201 та бола кунини қўшиб ёзиш туфайли 2 млн. 916 минг 325 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ортиқча харажатга чиқарилиб талон-торож қилинган.

Бундан ташқари, А.Абдуқодиров номига 2005 йил 15 октябрда расмийлаштирилган 3433, 3437-сонли ишончномаларга асосан 118, 120-сонли юк хатлари билан «Шоҳиста» хусусий фирмасидан олинган 3 млн. 627,750 минг, худди шу сана билан 3453-сонли ишончномага асосан 117-сонли юк хати билан «Ҳусниддин» фермер хўжалигидан олинган 475 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам ҳисоботга кирим қилмаслик йўли билан ўзлаштириб юборганлар.



Шу ўринда судланувчи А.Абдуқодировнинг ўзига билдирилган айбга иқрор бўлиб берган кўргазмасидан келтириб ўтишни лозим деб топдик: «...«Шоҳиста» фирмасидан олинган 659,9 минг сўмлик маҳсулотларни 27-болалар боғчасига берилгани ҳақида чиқим ҳужжатларини тўғриладим, аслида бу маҳсулотлар берилмаган. Сабаби фермер хўжаликлари ва хусусий фирмалардан маҳсулотлар олинмаган. ХТБ мудири Таваккал Маматов ишончномага имзо қўйиб, фактура бериб, ҳисоботга қўшиб юборишимни айтган. Икки-уч марта шундай кўрсатма берган, йўқ маҳсулотларни ҳисоботга қўшиб қўйган. Бу маҳсулотлар кирим қилингани ҳақида ҳужжатлар йўқ. Ҳисоботларни ҳисобчи Шокир Мақсудов қабул қилиб олган, бирон марта нотўғри деб қайтармаган...»

Худди шундай кўргазмани судланувчи, 31-сонли болалар боғчаси хўжалик ишлари мудири Холмат Эргашев ҳам берган. Мазкур боғчада сохта ҳужжатлар юритиш эвазига 4 млн. 749 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари «гум» қилиб ташланган.

Шунингдек, Мухтор Холматов, Мавлуда Нуриддинова, Эгамберди Умрзоқов, Лутфулло Ҳамдамов, Ҳаётилло Мадалиев, Равшан Маназаров, Рустам Раҳимовлар хўжалик ишлари бўйича мудир бўлган 1, 5, 12, 19, 27, 32, 51-болалар боғчаларида ҳам камомадни ёпиш мақсадида сохта ҳужжатлар қилиниб, миллионлаб сўмлар талон-торож қилинган. Биргина М.Холхўжаев номига расмийлаштирилган ишончномаларга асосан олинган 22 млн. 915 минг 911 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисоботларга киритилмай, кирим қилмаслик йўли билан ўзлаштириб юборилган.

«Иш»лар силлиқ кетаётганидан қувонган, яъни мушукларини «пишт» дейдиган одам бўлмаганидан руҳланган мудир ва бош ҳисобчи бюджетдан ажратилган маблағларни кўзда тутилмаган мақсадларга хоҳлаганларича, албатта ўз фойдалари йўлида сарфлаш «тажриба»сини ҳам қўллашди. 2006 йил 6 ойида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун давлат бюджетидан ажратилган 6 млн. 706,4 минг сўм сафар харажатларига сарфлаб юборилганлиги оқибатида ишчи-хизматчилар иш ҳақларини ўз вақтида олишолмай, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига моддий зарар етказилди. Табиий газ, электр энергияси учун ҳам 2006 йил 15 августга қадар иш ҳақи учун ажратилган маблағ ҳисобидан 50 млн. 36,5 минг сўм ортиқча ўтказиб берилган. 2006 йил 16 мартдаги 241-сонли тўлов топшириқномасига кўра 20 млн. сўм асоссиз равишда иш ҳақи ҳисоб рақамидан харажат ҳисоб рақамига «учирма» қилинган. Туман молия бўлими томонидан мактаб директори фонди учун молиялаштирилган маблағнинг каттагина қисми ҳам харажат ҳисоб рақамига ўтказиб юборилган...

Қисқаси, юқорида келтирилган ўзлаштириш ва камомадларни содир этган мудир, бош ҳисобчи бош бўлган жиноий гуруҳ аъзолари сафи 15 нафарга етган эди. Булардан 3 нафари Амнистия қарори билан жазодан қутулиб қолишди. 12 нафари жиноят ишлари бўйича Қува туман суди ҳукми билан турли муддатларга озодликдан, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилишди. Жарима жазолари белгиланиб, келтирилган зарарни қоплаш чоралари кўрилди.

Шу билан халқ таълими бўлимидек муқаддас жойга ўрнашиб олиб, маошига кўз тикиб турган муаллим ва тарбиячилар, болалар боғчаларида тарбияланаётган норасидалар ҳақига кўз олайтирган жиноий гуруҳ аъзолари бўлмиш «хап-хап»чилар фаолиятига чек қўйилди.

**Аббосхон ТУРҒУНОВ,**
**Қува туман прокурорининг ёрдамчиси.**
**Холиқназар ЖЎРАБОЕВ,**
**журналист**

# «НИЯТ»И ЎЗИГА ЙЎЛДОШ

**Ҳаётда шундай инсонлар борки, ҳаётлари бир маромда кечаётган бўлса-да, бунга қаноат қилишмайди. Айниқса, қўшимча бўлса-да, текин даромад орттириш пайига тушишади. Бироқ, улар қинғир ишлари бир кун албатта, ўзларига панд бериши ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Оқибатда эса...**

Ғиждувонлик Умрбек Рашидов (исмлар ўзгартирилган) ҳам ана шундай хатти-ҳаракати сабабли бир эмас уч марта суднинг қора курсисига ўтирган эди. Охирги марта судланганда у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йил 30 ноябрь кунидаги Амнистия тўғрисидаги қарорига асосан жарима жазосидан озод қилинган. Бироқ, Умрбек ўзига берилган бундай имкониятни қадрламади.

У «Амирбек-Азиза» хусусий фирмаси раҳбари ва «Джайна прогресс савдо» хусусий фирмаси бош ҳисобчиси вазифасида ишлаб келиб, кўп миқдорги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлайди.

Ғиждувон туман ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган «Джайна прогресс савдо» хусусий фирмасида бош ҳисобчи вазифасида ишловчи Умрбек банк тўлов топшириқномаларидаги корхона раҳбари М.Ўриновнинг имзосини сохталаштиради ҳамда уларни «Ипотека банк»ка тақдим этади. Бунинг замирида эса «уддабурон» ҳисобчининг қинғирлик йўли билан бойлик орттириш жиноятни «палак ёзаётган» эди. У.Рашидов хусусий фирма орқали жами 3 млрд. 116 млн. 716 минг 700 сўмлик товар айланмасини амалга оширишга эришади. Бироқ, ушбу фаолият юзасидан ягона солиқ тўлови бўйича туман ДСИга топширган ҳисоботларда товар айланмасини 3 млрд. сўм қилиб кўрсатади. Бу билан у солиқ солиш объектини қасддан яшириб, 5 млн. 835 минг 800 сўмлик ягона солиқ тўловини тўлашдан бўйин товлайди.

Халқимизда «Ҳолва деган билан оғиз чучимайди», деган нақл бор. У.Рашидов «Амирбек-Азиза» хусусий фирма раҳбари ҳамда «Джайна прогресс савдо» хусусий фирмасида бош ҳисобчи бўлишидаги мақсадини ўзича талқин қилиб, ҳолва дегандаёқ, оғизнинг ширин бўлишини тушунди. Унинг энг катта хатоси ҳам ана шунда эди.

У ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Ғиждувон туман ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган «Джайна прогресс савдо»да бош ҳисобчилик даврида, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 9 августдаги Фармони талабларига зид йўлни танлади. 1 млрд. 415 млн. 319 минг 200 сўмлик бартер операцияларини амалга ошириб, товарлар савдоси қоидаларини бузади. Вақт ўтиши билан Умрбекнинг қинғирлик борасидаги «малакаси» оша боради. У «Амирбек-Азиза» хусусий корхонасида раҳбарлик лавозимини эгаллагач, солиқ қонунчилигига оид талабларни менсимай қўяди. Оқибатда ўзига тегишли мазкур хусусий фирма орқали жами 3 млрд. 343 млн. 149 минг сўмлик товар айланмасини амалга ошириб, молиявий фаолияти юзасидан ягона солиқ тўлови бўйича туман ДСИга топширган ҳисоботларда товар айланмасини 3 млрд. 315 млн. 193 минг 700 сўм қилиб, камайтириб кўрсатади. Кўзбўямачиликда «пихини ёрган» «фирмач» солиқ солиш объектини қасддан яшириб, 1 млн. 276 минг 700 сўмлик ягона солиқ тўловидан атайин «кўз юмади».

Уддабуронликда шайтонгада дарс бера оладиган «салоҳият» эгаси Умрбек Рашидов давлат манфаатларига эмас, ўз фойдасини кўзлаган ҳолда бартерни йўлга қўяди.

2002 йилда Ғиждувон туман ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган «Амирбек-Азиза» хусусий фирмасида 2004 йил 4 июнь кунидан, то текширув кунига қадар фирма раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келиб, «тарки одат — амри маҳол» деганларидек, у жиноий ҳаракатларини давом эттириб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини била туриб, қасддан бажармайди. Оқибатда, 1 млрд. 603 млн. 458,1 минг сўмлик бартер операцияларини амалга ошириб, товарлар савдоси қоидаларини кўп миқдорда бузади.

Ўйламай қилинган ишнинг охири хайрли тугамаслигини кўпчилик яхши билади. Лекин унга амал қилишга келганда баъзилар... Умрбек Рашидов ҳам ана шу масалада шайтоннинг йўлига кирди. Фикри-хаёлини текин бойлик орттиришдек ғараз мақсад эгаллади.

Буни қаранки, У.Рашидовнинг ҳам нияти ўзига йўлдош бўлиб, қилмишлари учун бугун қонун олдида жавоб бермоқда.

**Жўрабек САФАРОВ,**
**Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори.**
**Лолахон МАНСУРОВА,**
**журналист**

# ОРТДА ҚОЛГАН 366 КУН

## ёхуд 2008 йилнинг энг муҳим сиёсий воқеалари

2008 йил ҳам тарихга айланди. Турган гапки, якунланган ана шу йил ҳар биримизнинг умр йўлимизда қайсидир маънода из қолдирди. Ҳаётимизда нимадир рўй берди, кимнидир топдик, кимнидир йўқотдик. Нималаргадир эришдик, нималарнидир бой бердик. Аммо биргина шахс учун эмас, бани Башар учун дахлдор, ёинки, ҳамманинг оз бўлса-да диққатини тортаолган воқеалар ҳисобсиз. Тўғри, бу дунёда ҳамманинг ўз қизиқиши, ўз дунёқараши бор.

Жаҳон молиявий инқирози, Пекин олимпиадаси, дунёнинг икки йирик мамлакати (Россия, АҚШ)да бўлиб ўтган президент сайловлари, Косовонинг мустақиллик эълон қилиши, Россия-Грузия зиддиятлари, Сомали қароқчиларининг ҳаддидан ошиши, Шимолий Кореянинг ташқи сиёсатидаги бурилишлар, Тибетдаги оммавий норозилик чиқишлари, Ҳиндистоннинг молиявий маркази саналмиш Мумбайдаги хунрезликлар... Хуллас, якунланган 366 кун ичида ҳам жаҳон ҳамжамиятининг диққатини тортган, инсониятнинг бугуни ва эртаси учун дахлдор бўлган воқеаларнинг саноғи йўқ.

Бу борада ҳам ҳар кимнинг ўз фикри, ўз ёндашуви бор. Биз эса қуйидагиларни 2008 йилнинг халқаро миқёсдаги энг муҳим воқеалари сирасига киритмоқчимиз.




Умумсайёра миқёсидаги, барча минтақаларни у ёки бу даражада қамраб олган улкан молиявий инқирознинг қандай бошлангани-ю қачон ва қандай оқибатлар билан якун топиши хусусида аниқ бир нарса дейиш қийин. Шуниси маълумки, инқирознинг бир йили юз минглаб одамларни ишидан, ўнлаб йирик компанияларни мавқе ва нуфузидан маҳрум этди. Айримлари эса буткул инқирозга юз тутди.

Йилнинг биринчи чорагида Ирландияда бошланиб бутун кўҳна қитъани қамраб олган, АҚШда ипотека инқирози кўринишида авжга чиққан молиявий инқироз бугунги глобализация шароитида умумсайёравий муаммога айланиб улгурди.

Мазкур инқирознинг энг қизиқ жиҳати — унинг ривожланиш жараёнидир. Айтингчи, нефт нархининг кутилмаганда осмон баравар сапчиши-ю, сўнг яшин тезлигида арзонлашувини қайси иқтисодчи тушунтириб бера олади! Жавобини иқтисоддан эмас, сиёсатдан қидириш керакка ўхшайди. Сабаб ва оқибатларидан, келиб чиқишининг сунъий ёхуд табиийлигидан қатъи назар, бу воқеани йилнинг энг муҳим воқеаси дея оламиз.

Якунланган йилнинг яна бир муҳим, шу билан бирга завқли воқеаси Пекинда ўтказилган олимпиада ўйинлари бўлди, десак муболаға бўлмас. Олимпиада арафасида Хитойда юз берган Тибет ва Шинжон мухториятлари билан боғлиқ муаммолар сабаб АҚШ, Франция каби давлатлар томонидан бойкот эълон қилиниши таҳдидига қарамай, XXIX олимпиада ўйинлари олий даражада бўлиб ўтди. Тўғриси, мазкур олимпиаданинг талаб даражасида ташкиллаштирилиши ва ўтказилишига кўпчилик ғарб давлатлари шубҳа билан қараётган эди. Аммо Пекин олимпиадаси олимпиада




ўйинлари тарихидаги энг дабдабалиси, шу билан бирга энг пухтаси бўлди. Миллиардлаб (!) инсонларнинг эътиборини торта олган Пекин олимпиадаси инсоният тарихидан ҳам муносиб ўрин эгаллади.

Бу билан Буюк девор ортидаги мамлакат ўзининг жаҳон сиёсий харитасида тутган ўрни ва мақомини яна бир бор дунёга кўрсатиб қўйди. Олимпиада ўйинлари ва унинг ортидан эришилган муваффақиятлар Хитойнинг Яқин Шарқ, Африка ва Марказий Осиёдаги геосиёсий мавқеини янада мустаҳкамлаб олишига хизмат қилди.

Жорий йилнинг 2 мартида Россияда, ноябрь ойида АҚШда бўлиб ўтган президент сайловларини йилнинг муҳим воқеалари қаторига қўшсак, ҳеч ким эътироз билдирмаса керак. Сабаби, бу икки йирик мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг дунёвий сиёсатга қай даражада таъсир ўтказиши ҳеч кимга сир эмас. Бошқачароқ айтганда, мазкур сайловлар натижаси глобал миқёсдаги сиёсий вазиятнинг келажагини тасаввур қилиш имконини бера олади.

Россия Федерациясида бўлиб ўтган президентликка сайловлар натижасига кўра номзод Дмитрий Медведев 70,21 фоиз овоз тўплади ва президентлик курсисига эга бўлди. Шунингдек, президентликка номзодлардан Россия коммунистик партияси вакили Геннадий Зюганов 17,78 фоиз, Либерал демократлар вакили Владимир Жириновский 9,38 фоиз, Демократик партия вакили Андрей Богданов 1,29 фоиз овозга эга бўлган.

Д.Медведевнинг сайловда ғалаба қозониши аллақачон аниқ бўлганлигига қарамай россияликлар мазкур сайловларда фаол иштирок этишди. Аҳолининг сайловларга бўлган қизиқиши ва ундаги иштирокини ЕИ экспертлари ҳам ижобий баҳолашган.





Д.Медведев сайловда кўп овозга эга бўлиш бобида 2004 йилда В.Путин эришган натижани ҳам янгилади. Тўрт йил олдинги сайловда В.Путин номзодини ёқлаб 49 млн 558 минг 328 сайловчи овоз берган бўлса, 2008 йилнинг 2 мартидаги сайлов натижасига кўра Д.Медведевга 49 млн 675 минг сайловчи овоз берган. Аммо фоиз ҳисобида у собиқ президент В.Путиндан ўзиб кетолмади (В.Путин 70,31 фоиз овоз тўплаган эди).

Россия Федерациясининг учинчи президенти Д.Медведевнинг «Дунё кўп қутбли бўлиши керак» деган мазмундаги чиқиши мамлакат ташқи сиёсатининг эртаси ҳақида тасаввур бера олади. Д.Медведев ўзининг дастлабки расмий ташрифини Қозоғистон ва Озарбойжондан бошлаганини эса расмий Москванинг Каспий энергозаҳираларига бўлган қизиқиши янада ортганини кўрсатади. Шунингдек, мусулмон мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлашга эътибор қаратиш билан бир вақтда Европанинг илғор мамлакатлари билан муносабатлардаги янгича ёндашувлар расмий Москва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан дарак беради.

Жорий йилнинг 20 январида ўз вазифасига киришиши кутилаётган Барак Обама қўшма штатларнинг қирқ тўртинчи ва шу билан бирга биринчи қора танли президенти бўлиб тарихга кирадиган бўлди. Демократик партия вакили Б.Обама 2008 йилнинг ноябрида АҚШ президентлиги учун бўлиб ўтган сайловларда 51 фоиз овоз тўплашга муваффақ бўлди ва ғалаба қозонди. Бунга қадар Иллинойс штатидан сенатор бўлган Б.Обама қўшма штатларнинг энг таниқли сиёсатдонларидан бири саналар эди.



Ўз сайлов олди дастурида 16 ой ичида Ироқдаги америка ҳарбийларининг асосий қисмини қайтаришни ваъда берган Б.Обама кутилганидай жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Шунингдек, демократ Б.Обама Эрон масаласида ҳам радикал ёндашувга чек қўйишини маълум қилган эди. У сайловлардаги рақиби Жон Маккейндан фарқли равишда, «янги дунёнинг янги стратегияси» мавзуидаги нутқида Россия билан муносабатларга ижобий тус бериш тарафдори эканлигини маълум қилган эди. Аммо, август ойида юз берган Жанубий Осетия воқеаларидан сўнг расмий Вашингтон ва расмий Москва муносабатларини қайта кўриб чиқиш зарурати ҳақида чиқиш қилди. Шунингдек, Б.Обама Пентагоннинг ракетага қарши қурилмаларини Шарқий Европа давлатларига жойлаштириш масаласини қисман қайта кўриб чиқилишини маълум қилган.

«Time» журнали «2008 йилнинг энг машҳур одами» дея номлаган Барак Обама, юқорида айтганимиздек, 20 январдан президентлик курсисига ўтиради.

Охирги йилларга келиб кўпчилик Яқин Шарқ, Афғонистон, Болқон ёхуд Африка мамлакатларидаги ҳарбий ҳаракатлар ҳақидаги хабарларга кўникиб қолган эди. Уларга «буюк давлатлар»нинг навбатдаги геосиёсий ўйинларидан бири сифатида қараб, жиддий эътибор бермай ҳам қўйганди. Аммо энди Каспий нефти васвасаси янги ҳарбий тўқнашувлар ўчоғини пайдо қила бошлади. Грузия ва Жанубий Осетия ўртасида юз берган ҳарбий зиддиятлар, унга йирик давлатларнинг муносабат билдириши, оқибатда минтақада яна икки давлат — Абхазия ва Жанубий Осетиянинг мустақиллик эълон қилишини муҳим воқеалар қаторига қўшиш ноўрин бўлмаса керак.

Шу ўринда Кавказ билан боғлиқ яна бир муҳим воқеага тўхталиб ўтиш жоиз. Ўтган 2008 йилда турк-арман муносабатларининг кўп йиллик тарихида илк ўзгариш содир бўлди. Арманистон ташқи ишлар вазири Эдвард Налбандян буни шундай изоҳлайди: «Арманистон Туркия билан ўзаро дипломатик муносабатларини ўрнатишга тайёр». Шунингдек, вазир Арманистон Туркиянинг Европа иттифоқига аъзо бўлишини қўллаб-қувватлашини маълум қилган.

Кавказдаги воқеаларни Косованинг февралда суверенитет эълон қилишининг инъикоси сифатида ҳам баҳолаш мумкин.

Косованинг Сербия таркибидан мустақил давлат сифатида ажралиб чиқиши Белград кўчаларидаги оммавий чиқишларга олиб келдики, Болқон ярим оролида 1999 йилдан буён бундай катта миқёсдаги намойишлар кузатилмаган эди. Косово мустақиллигини Европа Иттифоқи ва АҚШнинг қўллаб-қувватлаб тургани боис расмий Белград дипломатик таъсир чоралари билан кифояланди. Сербия ва Россиянинг кескин эътирозига қарамай бу қадамни қўйган Косовони йил охирига келиб элликка яқин давлат тан олди. Россия билан бир қаторда Хитой, Ҳиндистон, Бразилия каби йирик давлатлар эса Косовани мустақил давлат сифатида тан олиш масаласини кўриб чиқишга шошилмаяпти.

Маълумки, 2007 йилдан бошлаб Шимолий Корея халқаро ҳамжамиятни безовта қилиб келаётган ядровий дастурларини бекор қилган ва қисқа муддатлар ичида ядро объектларини йўқ қилишни бўйнига олган эди. Ким Чен Ир ваъдасининг устидан чиқди: 2008 йилнинг июнида Йонбендаги ядровий реактор минораси юзлаб гувоҳлар ва телекамералар нигоҳи остида бузиб ташланди. Эвазига эса ҳамжамиятнинг энергетика соҳасидаги кўмагига эришди. Ўз навбатида АҚШ ҳам «терроризмни қувватловчи давлатлар» рўйхатидан Шимолий Кореяни чиқариб ташлади.

Норасмий манбалар томонидан Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ирнинг оғир хасталикка чалингани ҳақида хабарлар тарқатилмоқда. Бунга аксилтарғибот сифатида ҳукумат Ким Чен Ирнинг фотосуратлари ва унинг жойларга уюштираётган ташрифлари ҳақидаги мақолаларни чоп этишни кўпайтирган.

Осиё қитъасида энг йирик теракт 2008 йилда Ҳиндистоннинг молиявий пойтахти саналмиш Мумбай (собиқ Бомбей) шаҳрида содир этилди. 26 ноябрь куни «Лашкари тойиба» экстремистик гуруҳининг ўн нафар аъзоси томонидан Мумбай шаҳрининг гавжум, кўнгилочар гўшалар жойлашган қисмида хунрезликлар содир этилди. Ҳиндистон ҳукумати қўшинлари томонидан террорчиларни бартараф этиш операцияси 2 кун давом этди. Теракт оқибатида 200га яқин киши қурбон бўлди, ярадорлар сони 300 дан ошиб кетди.

Ироқда ҳам турли даражадаги терактлар содир этилиши давом этди. Аммо, президентлик курсиси билан хайрлашаётган Жорж Бушнинг Бағдодга ташрифи ва ўтказилган матбуот анжуманида ироқлик журналистнинг унга туфли улоқтирганини айтмаганда, шов-шувли воқеа содир бўлгани йўқ.

Лекин Ироқдаги топилган 6 та йирик нефт ва газ манбаини ишга тушириш ҳамда фойдаланишга доир тендерни эслаб ўтмасак бўлмайди. Мазкур тендер XX аср бошида, Усмонлилар империясининг инқирозидан сўнг Лондон ва Париж ўртасида Ироқ нефтининг «бўлиб» олиниши анъанасига барҳам бериши ҳам мумкин.

Яқин Шарқдаги сиёсий вазият одатдагидай давом этди. Исроил-Фаластин муаммосига барҳам бериши кутилаётган лойиҳа амалга ошмади.

Ўтган йилда Ҳинд океанининг шимоли-ғарбидаги денгиз йўли энг хатарли йўлга айланди. Сомалида узоқ давом этган фуқаролик урушининг оқибати сифатида шаклланиб қолган қуролли гуруҳлар денгиз қароқчиларига айлангани ва улар томонидан содир этилаётган талончиликлар ҳақида аввалги йилларда ҳам хабарлар тарқалиб турар эди. Аммо якунланган йилда Сомали қароқчилари ҳаддидан ошиб кетишди. Йил бошидан бери улар томонидан 40 га яқин кема эгаллаб олинди. Юзлаб кемаларга муваффақиятсиз ҳужумлар уюштирилган.



Қароқчиларнинг энг катта «ўлжаси» юз миллион долларлик нефт юкланган «Сириус стар» супертанкери бўлди.

Денгиз қароқчиларига қарши курашга НАТОга аъзо давлатлардан ташқари Ҳиндистон, Жанубий Корея ва Россия ҳарбийлари киришиб кетди.

2008 йилда содир бўлган глобал аҳамиятга эга сиёсий воқеалар таҳлили шуни кўрсатадики, якунланган йилни инсоният тарихидаги барқарор йиллар қаторига кирита олмаймиз. Аммо бу йилда ҳам умуминсоният тақдирига дахлдор ижобий ишлар амалга оширилди ёхуд улуғвор ишлар учун пойдевор қўйилди. Мисол учун, Мадриддаги Цивилизациялар иттифоқининг биринчи форуми, Маккада динлараро муносабатларга доир конференция, Қозоғистонда Халқаро ислом форуми бўлиб ўтди. Тарихда биринчи бор Ватиканда католиклар ва мусулмонлар форуми ўтказилди. БМТ Бош Ассамблеясида бўлиб ўтган халқаро саммитда қирол Абдулла (Саудия Арабистони қироли) ва Шимон Перес (Исроил президенти) рамзий маънода бир дастурхонда тушлик қилишди.

Буларнинг барчаси келажакда инсоният эътиқоди, ирқи, миллати ва дунёқарашидан қатъи назар тинчлик ва тотувликда яшайди деган умид уйғотади.

**Шавкат ЁДГОРОВ**

*Давлат тижорат Халқ банкининг Фарғона вилоят филиали фуқароларнинг банкларга бўлган ишончини ошириш мақсадида кўрсатилаётган хизматлар кўламини тобора кенгайтириб бормоқда. Ҳозир унинг таркибида 21 та туман ва шаҳар филиаллари, 9 та минибанк, 194 та шахобча ва 24 та махсус касса фаолият кўрсатмоқда.*

*Банкимиз томонидан 2008 йилнинг ўтган даврида аҳолининг бўш пул маблағларини турли омонатларга жалб қилиш, юридик ва жисмоний шахсларга турли кредитлар ажратиш, «Вестрн Юнион», «Контакт», «Юнистрим» сингари пул ўтказиш тизимлари орқали келган маблағларни ўз вақтида мижозларга етказиш, паластик карточкаларга маблағлар қабул қилиш ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизими бўйича бир мунча ижобий ишлар амалга оширилди.*




# МИЖОЗЛАРГА МАДАДКОРМИЗ

Маълумки, Юртбошимизнинг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамюртларимизнинг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш борасида барча туман, шаҳар филиалларида «маслаҳатчи менеджер» штати жорий қилинди. Маслаҳатчи менеджернинг асосий вазифаларидан бири фуқаролар, корхона, ташкилот ва муассасаларда мавжуд омонатлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари мазмун-моҳиятини тарғиб қилишдан иборатдир. Қолаверса, «Омонатчилар бурчаги» янгидан ташкил этилди.




Айни пайтда «Тақдим этувчи» омонатига миллий валютада йиллик 18 фоиз, АҚШ долларида йиллик 8 фоиз, ЕВРОда йиллик 3 фоиз миқдорида даромад тўлаш шарти билан 3, 6, 9 ва 12 ойлик муддатларга, «Янги йил» ютуқли муддатли омонатига йиллик 12 фоиз миқдорида даромад тўлаш шарти билан 90 кун муддатга чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида 2008 йил 1 декабрь ҳолатига жами омонатлар қолдиғи 2,9 миллиард сўмга, омонатчилар сони эса 25 минг 142 нафарга ўсди.

Нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб қилиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш йўлида амалга оширилган ишлар ҳам кўнгилдагидек. Бунда паластик карточкалар орқали кўрсатилаётган хизматлар жуда қўл келмоқда. Бугун банк томонидан жойларга пластик карточкада савдо қилувчи 178 та савдо терминаллари ўрнатилган. Терминаллар асосан дорихоналар, ёнилғи қуйиш шахобчалари ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ҳиссасига тўғри келади. Айни пайтда 30 мингдан ортиқ фуқаро банкнинг пластик карточкалари хизматидан фойдаланмоқда.

Бундан ташқари, Фарғона шаҳри ва Данғара туманида коммунал тўловларни қабул қилувчи махсус жиҳозланган автобуслар, Қўқон, Марғилон, Кувасой шаҳарларида эса худди шундай енгил автомашиналар хизматга қўйилган. Бу аҳолининг узоғини яқин қилиб, қулайлик яратмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан банкимиз томонидан 1362 нафар кам таъминланган оилага 1 млрд. 289 млн. 200 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Бошқача айтганда, 1362 та янги иш ўрни яратилди.

Модомики, гап ажратилган кредитлар хусусида борар экан, бу борада давлатимиз раҳбарининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 141 нафар ёш оилага уй-жой жиҳозлари сотиб олиш, уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш учун 1,3 млрд. сўм, 19 нафар ёш оилага эса тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 38,5 млн. сўм миқдорида кредитлар берилганини таъкидлаш лозим.

Ҳозир вилоятнинг 17 та туман ва шаҳарларида фаолият юритаётган 1402 та фермер хўжалиги айнан бизнинг банкимизда ўз ҳисоб рақамини очган. Йилнинг ўтган даврида ҳудудий филиал томонидан уларнинг моддий техника базасини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, 15 та ҳайдов трактори, Фурқат, Олтиариқ, Бағдод ва Данғара туманлари филиалларининг мижозларига «ПНМ-5» сеялкалари, Бағдод, Ўзбекистон, Олтиариқ ва Тошлоқ туманлари филиалларининг 1 нафардан мижозларига Германияда ишлаб чиқарилган «Класс Доминатор-130» русумли ўрим комбайни сотиб олиш учун жами 1 млрд. 638 млн. 232 минг сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида берилган кредитлар миқдори эса 394 млн. сўмни ташкил қилади.

Бир сўз билан айтганда бугун банкимиз жамоасига «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойили дастуриламал бўлмоқда. Чунки мижоз ишончи банкнинг хизмат кўрсатиш сифатига ҳар жиҳатдан боғлиқ.

**Сойибжон МАРИПОВ,**
**Давлат тижорат Халқ банкининг Фарғона вилоят филиали бошлиғи ****


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни, шу жумладан мамлакатимиз банк тизимида меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизни кириб келаётган янги 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» билан самимий муборакбод этади.

Қолаверса, якунланаётган йилда ушалмаган орзуларингиз янги йилда рўёбга чиқишини тилаб, қуйидаги омонат турини таклиф қилади:

## «ДАРОМАД» ОМОНАТИ

**«Даромад»** муддатли омонат турига маблағлар жисмоний шахслардан чекланмаган миқдорда банкнинг барча туман, шаҳар филиаллари ва бўлинмалари томонидан **3, 6** ва **9 ой** муддатга **3 ойга йиллик 21 %** банк фоиз даромади ва **3 %** қўшимча даромад (бонус) жами **24 %**, **6 ойга йиллик 21 % банк** фоиз даромади ва **4 %** қўшимча даромад (бонус) жами **25%** ва **9 ойга йиллик 21 %** банк фоиз даромади ва **5 %** қўшимча даромад (бонус) жами **26%** миқдорида даромад тўлаш шарти билан жорий йилнинг **10 декабридан 2009 йилнинг 15 январига** (15 январь ҳисобга олинади) қадар фақат нақд пулда ва омонатчиларни амалдаги депозит турларидаги маблағларни қайта расмийлаштириш орқали нақд пулсиз қабул қилинади.

# ТИМСОҲ, ЙИҒИСИ

***Темур УБАЙДУЛЛО***

Бердиқул учинчи сомсани ҳам иштаҳа билан тановул қилиб, лабларини қўлқоғозга артаётганда, ошхонанинг бир бурчагида ундан кўз узмай ўтирган йигитга нигоҳи тушиб қолди. Йигитнинг,киприклари қилт этмас, кўзлари бемаъно, ҳиссиз қотиб қолгандек эди. Бердиқул пиёладаги чойни бир хўплашда тугатиб, ўрнидан турди. Йигит ўтирган столга яқинлашди.

— Ҳа, нега менга бақрайиб қараяпсан?

Йигит ундан нигоҳини олиб қочди.

— Уч кундан бери туз тотганим йўқ, — деди у ютиниб, — сомсани иштаҳа билан еб экансиз.

Бердиқул сомсачининг ёнига борди. Ликопчага учта сомса солиб, чойнакда чой билан столга келтириб қўйди. Йигит худди мушук сичқонга ташлангандек таомга ёпишди. Бир зумда сомсаларни еб, чойни ҳам ичди. Нафси сал ором олди. Бердиқулга қараб:

— Барака топинг, — деб қўйди.

— Кимсан, нима иш қиласан? Афтидан бу ерликка ўхшамайсан?!

— Ҳа, бошқа вилоятдан келганман, — деди йигит. Худди ўзига ўзи гапиргандек. — Исмимни Қобил дейишади. Мана паспортим. Дадам раҳматли ёмон иш қилмайман деб тавба қилганидан кейин туғилган эканман. Яшаш қийин, қўлимда биронта ҳунарим йўқ... Мардикорчилик қилиб, кун кўраман. Ҳеч ким ишга ёлламаяпти...

Гапнинг бунақа қуюлиб келишидан йигитнинг ўзи ҳам ҳайрон қолди.

— Ҳовлим катта, — деди Бердиқул. — Деҳқончилигим ҳам бор. Рози бўлсанг далада ишла. Қуруқ қўймайман. Емак-ичмагингдан ғам емайсан.

Йигитга жон кирди.

— Нима иш бўлса қиламан, амаки. Мана кўрасиз, далангизни яшнатиб юбораман. Эгним бут, қорним тўқ бўлса, бас. Менга бунча берасиз демайман. Худо урсин.

— Майли, майли, — деди Бердиқул — қани, юрақол.

— Борган жойингда тиниб-тинчиб кет, — ортидан пичинг қилди чойхоначи.

Хонадон аъзолари Қобилнинг келишини бефарққина кутиб олишди. Ўғли Бурҳон, қизи Марзия, аёли Мухтора «яна мардикор келибдида», деб ўйлашди. Фақат Бердиқулнинг онаси Анзират момо Қобилга бошдан-оёқ разм солиб чиққач, бош чайқаб қўйди:

— Кўзида маъни йўқ буни, болам. Уйдан нарироқ юрса яхши бўларди.

— Эртадан далага экин экиш бошланади. Ўша ерда чайла тикиб бераман, яшаб, ишлайверади, — онасини тинчлантирди Бердиқул.

— Эсингдан чиқарма, одамнинг оласи ичида бўлади. Омади гапни айтдимда, болам.

Йигит жуда серғайрат чиқиб қолди. Ўзи айтганидек далани жуда ораста қилиб ташлади. Барча ариғу уватларни тартибга келтириб қўйди. Чайла, идиш-товоқларни қўяверасиз. Унинг қизиқ одати бор эди: бировга миқ этиб гапирмас, ишини қилаверарди. Нақ темир одамнинг ўзи эди. Гоҳ-гоҳида кетмонга суянганча қотиб қоларди. Шундай пайтларда кўзлари ғалати бўлиб кетарди. Кўрган киши қўрқиб кетиши тайин эди. Анча пайтдан кейин лабларини ҳарислик билан ялаб, ўзига келар эди.

Бир куни Марзия далага овқат ташлаб келмоқчи бўлганди, Анзират момо келинига бобиллади:

— Бўйи чўзилиб, қўлга илинадиган бўлиб қолди қизинг. Ҳаммага ўзингга ишонгандек ишонаверма. На уй-жойини, на ота-онасини биласан. Обкел тугунчани, ўзим олиб бораман.

Бердиқул онасига олиб борақолинг дейишга тили бормади. Ўзи дала бошига йўл олди. Чайла олдига бориб, Қобилни кетмонга суянган қўйи кўрди.

— Ҳой, нима қиляпсан? — уни туртди Бердиқул. Йигит ўгирилиб унга қаради. Кўзларида милтираб турган чўғни илғаб юраги орқасига тортиб кетди: «Онам бекорга хавотирланмаяптиёв. қарашлари бўрига ўхшайдия, тавба».

— Кел, тамадди қилиб ол, — деди Бердиқул хавотирини билдирмай. — Кунлар ҳам исиб кетди. Энди озиқ-овқатни олиб келиб бераман. Шу ерда ўзинг пишириб-куйдириб еяверасан.

— Жуда зўр бўлардида, — Қобил тилга кирди. — Сув, мана, ариқда шарқираб оқиб ётибди. Мен қишлоққа тушиб овора бўлиб юрмайман. Ҳатто, нон пиширишни ҳам боплайман...

Бердиқул егулик-ичкиликларни бир машинада келтириб ташлади. Қобил бир зумда ҳамма нарсани жой-жойига саранжомлаб қўйди. У яна камгап ювош Қобилга айланганди.

Экин-тикинлар шира торта бошлади. Энди Қобилнинг овқатига ҳам маза кириб қолди. Қовун-тарвуз пишганда Бердиқул ит етаклаб келди.

— Сенга ҳамроҳ бўлади, ўғлим, — деди у, — қовунлар ис таратиб қолди. Бир-иккита аҳмоқ ўғирликка тушиб юрмасин.

— Мен бор жойда итнинг кераги йўқ, — Қобилнинг кўзлари туб-тубидан чўғ милтиллади. — Биров келса тирик қўймайман.

Бердиқул ноилож итни қайтариб кетди.

Авжи пишиқчиликда Бердиқул якка-ю ягона қизини узатиш пайига тушиб қолди. Бунақа нияти йўқ эдию, лекин Анзират момо уни ҳоли жонига қўймади. Эндигина ўн саккиз ёшга тўлган Марзия, кимга тортди экан, тўлишиб, очилиб кетган эди. «Тез эгасига топшириб, ташвишидан қутул», деди момо.

Бердиқул ҳовли-жойларини кўздан кечириб чиқди. Деворларнинг у ер-бу ери кўчган, суваб, оқлаб қўйиши керак. Дов-дарахтларни бўяш керак. Боғчаникy ўт босиб кетибди. Хуллас, меҳнаткаш одамга бир ҳафталик иш бор эди.

Бердиқул далага бориб, ҳаммаёқни обдон кўздан кечирди: чайладан бошлаб ўн беш-йигирма метр нарига сим тортса, бас, итни бойлаб қўяди. Қолаверса, қўшни деҳқонлар бор, қараб туришади. Кечаси ётса бўлди-да.

— Экинларни яхшилаб суғор, — деди у Қобилга. — Эртага эрталаб олиб кетаман сени. Тўй бошлаб қўйдик. Ҳовли-жойларни бир қўлдан чиқариб берасан.

Кейин Қобил узиб чиққан бешолтита қовунларни ортиб, йўлга тушди.

— Қачон аравани машинага алмаштирасиз? — Қобил қичқирди араванинг ортидан.

— Тўёна мўл бўлса оламан, — деди Бердиқул. — Ҳамма ишни қотириб қўй.

Эрталаб Бердиқул катта итни олиб келиб, узун симга боғлаб қўйди.

— Кечгача шу ерда бўлади. Кечқурун сен келасан, мен итни олиб кетаман.

Қобил индамайгина эргашди. Белини боғлаб ишга тушиб кетди. Уқувдан Қобилни Яратган қисмаган эди. Ҳатто Бердиқулнинг мардикори дейишдан, одамлар «Бердиқулнинг устаси» дейишга ўтишди. Бир ҳафта-ўн кунда уйлар бўялди. Йўлаклар цементланди. Ҳовли ва боғча ёғ тушса ялагудек бўлди. Йигит шунча иш қилса ҳам ҳеч кимга тикилиб қарамасди. Ерга қараб юраверарди. Бердиқулнинг Мингбой қишлоғида яшовчи синглиси келганида Қобил ҳовлида минғирлаб ивирсиб юрарди.

— Ким бу? — сўради Диёра Анзират момодан.

— Аканг олиб келди, мардикор. Қўли гул йигит-у, юрагимда қўрқув бор. Бир балоси бўлмаса, бас. Акангга айтсам, иши тоза деб қайириб ташлади. Уйда қола қолсин, дейди. Марзия бўлса бу ёқда...

Диёра Қобил қилган ишларни кўриб, ичидан тан берди. Биронта қийиқ тополмади. Қўлларини ювиб, ошхонадан чиқаётганда йигитга дуч келди. Кўзлари тўқнашди. Диёранинг товонигача жимирлаб кетди. Қобил унга шунақанги тикилди-ки, бечора жувон қоқилиб, мункиб кетди. Жувоннинг келишган қоматига суқ билан қаради.

— Ҳе, башарангдан олсин сени, — Диёра ошкора қарғанди. — Ойим дод деганча бор экан. Ҳе-е, яшшамагур.

Ўша куни Диёра тонг отгунча ухлолмади. Кўз юмди дегунча бўрининг кўзлари унга тикилиб тураверарди. Эрталаб нари-бери ювиниб, нонушта қилди.

— Ойи, юринг мен билан, олиб кетай, — деди у. — Юрақолинг ойи.

— Аканг тўй бошлай деб турибди. Кетиб қолсам нима деб ўйлайди. Ўзи пул тополмай қийналиб юрибди. — Анзират момо чайналди. — Ҳеч бўлмаса унашиб, тўй кунини белгиласин. Бориш бўлса қочмас. Телефон қилиб тур...

Диёра чиқиб кетаётганда Қобил кўзлари чақнаб, танглайини тақиллатди.

— Ҳе, дийдоринг қурсин, — Диёранинг жаҳли чиқиб кетди. — Турқингни ел есин!

Кечқурун Бердиқул хурсанд бўлиб, қўлида каттагина тугун билан кириб келди.

— Она, яхшиям участка олиб қўйган эканман, шуни сотдим. Энди тўйни яхшилаб ўтказамиз. Битта ўғлимга иккита уйни нима қиламан?!

— Секинроқ, тентак, деворнинг ҳам қулоғи бор, — Анзират момо уни койиб берди. Кейин овозини паст қилиб сўради. — Қанчага сотдинг?

— Қирқ беш минг, — Бердиқул ҳузур билан кўзларини сузди. — Кўкига...

Худди бир нарсани сезгандек кечқурун Диёра қўнғироқ қилиб қолди. Акасининг савдоси пишганидан севиниб кетди.

— Ҳаммасини ишлатманг, эртани ҳам ўйланг, — деб насиҳат қилган бўлди.

Дераза тагидан икки челак сув кўтариб ўтаётган Қобилнинг қулоғига Бердиқулнинг шивири худди тўппонча отгандек эшитилди. «Омадли киши экан, шунча пул-а. Аслида омадли менми ёки Бердиқулми? Шунча пулни битта қизга атадими?! Аҳмоқ, одамлар шунчалик эсини еб қўйганми?»

Қобилнинг юриш-туриши ўзгариб қолди. Энди у Марзияга ҳам ҳазиллашар, Бурҳонникy кўз очирмас эди. Бердиқул уни далага олиб бориб ташлагунча Анзират момо «чала бўри» билан анча чиқишиб қолди.

Полиз ҳам, сабзавот ҳам шу йили роса ҳосил қилди.

— Бунинг ҳаммаси қизим Марзиянинг бахту омади, — дерди Бердиқул Қобилга. — Аммо сен боланинг ҳам меҳнатинг жуда катта бўлди. Худо хоҳласа сира сени хафа қилмайман. Ота-онангнинг ёнига қўни-қўнжинг тўлиб борасан, Худо хоҳласа.

Қобил кулиб қўя қолди. Онасининг айтганларига амал қилиб, Қобилни даладан ҳеч қаёққа юбормаётган Бердиқул йигитнинг итдек садоқат кўрсатаётганига кўнгли хотиржам тортди. Бир куни иккита босволди, тўртта жўрақанд, учтўртта тарвузни қопга солиб, отга юклади.

— Қобилбой, иссиқ элитди чоғи мени. Шуларни уйга ташлаб кел, — деди у. — Кечга томон ўзим бораман. Аммо лекин тезда қайтгин, хўпми.

Қобил бош силкиб, маъқул ишорасини қилди. Отга енгилгина қамчи босди.

Эшикдан от етаклаб кириб келган Қобилни кўрган Анзират момо хавотирланди.

— Бердиқул аканг қани? — сўради у ташвишланиб.

— Чайлада, — қовун-тарвузни секин туширар экан, деди йигит, — Кечга томон келар эканлар. — Кейин хонадан чиқиб келган Марзияга гап қотди. — Қовун-тарвузларни олинг.

Марзиянинг таранг бадани юпқа, қоматига ёпишиб турган кўйлакдан чиқиб кетаман дерди. Қобил қовун узатаётиб, атайлаб унинг елкасига, кўкрагига тегиб кетди. Қиз парво қилмади. «Ўлиб турибди, шекилли». Кўнглидан ўтказди йигит. «Қани энди бир жонингни киргизсам». Ундаги шаҳвоний истак ғалаён қилмоқда эди. Марзия охирги тарвузни қўлига олиб:

— Буниси оғир экан, — деди.

— Қаерга олиб бораяпсиз? — сўради йигит ичи куйганча.

— Ҳув, бурчакдаги қазноққа, — деди қиз.




— Ҳозир тарвузни ҳам, сизни ҳам кўтариб олиб бориб қўяман, — деди йигит. Кейин Марзияни қучоқлаб, даст кўтарди-да, қиз кўрсатган уйчага юрди.

— Қўйиб юборинг, — питирлади қиз. Тарвуз ерга тушиб, ёрилиб кетди. Қобил қизни маҳкам қучоқлаганча қазноқ эшигини тортди. — Войдод! Буви, Бурҳон.., — қиз додлаганча типирчилай бошлади.

Қиз ерга ётганча питирлар, Қобилнинг қўллари унинг кўкрагини пайпасларди. Марзия чинқираб юборди. Бу пайтда Қобилнинг қўли қизнинг липпасини топиб олганди. Уни силтаб тортганди, боғич чирт этиб узилиб кетди.

— Қўйвор опамни! — ўғил боланинг ўктам овози эшитилди. — Торт қўлингни, ҳе онангни сани...

Қобил қизнинг лозимини маҳкам ушлаганча ортига ўгирилди. Йўғон таёқни ўқталиб турган Бурҳонга кўзи тушди.

— Опангни ўзим хотин қиламан, — совуқ илжайди Қобил. — Йўқол, бўлмаса бир кор-ҳол бўлади.

— Қўйвор! — янада қаттиқроқ қичқирди Бурҳон ва қўлидаги таёқ билан Қобилнинг бошига бор кучи билан туширди. Қобилнинг кўз олди тиниб кетди... Марзия бир интилиб ўрнидан туриб олди. Кейин жонҳолатда ҳовлига қараб қичқирди:

— Ким бор, ёрдам беринглар...

(Давоми кейинги сонда).

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Жануби-ғарбий алоҳида ҳарбий округ ҳарбий прокурорининг ўринбосари Фахриддин Бакаевга падари бузруквори

**ЁДГОР ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Ҳарбий прокуратура марказий маҳкамаси техниги Дилшод Зокировга падари бузруквори

**ШОКИР Зокиров**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Фарғона вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг ўринбосари Муродил Қурбоновга укаси

**МИРҲОМИДЖОН**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Сирдарё вилоят прокуратураси жамоаси Янгиер шаҳар прокурори

**ХОЛМУРОД Қурбонов**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор қилади.

«Huquq» газетаси жамоаси таҳририят ҳисобчиси Мукаррам Турсуновага опаси

**ЗАМИРА опа**нинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

MIKROKREDITBANK

# «Микрокредитбанк»

## акциядорлик тижорат банки жамоаси

## барча ватандошларимизни Янги 2009 йил билан муборакбод этади!

Қадрли тадбиркорлар! «Микрокредитбанк» эл фаровонлиги учун Сизни яратувчилик борасидаги барча режаларингизни амалга оширишда молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди!

Айниқса, оиласи учун доимий даромад манбалари яратишга бел боғлаб, тадбиркорликни бошлаётган ва сервис хизматини йўлга қўйишга киришган ёшларга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳаракат қилаётган тадбиркорларга янада яхшироқ имтиёз ва имкониятлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг:

— бошланғич сармояни шакллантириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 200 бараваригача миқдорда бериладиган микрокредитлари учун тўланадиган йиллик фоиз тўлови 5 фоиздан 3 фоизга;

— кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдоридаги микрокредитларнинг йиллик фоизи Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизига;

— энг кам иш ҳақининг 2000 баравари миқдорида бериладиган имтиёзли микролизинг хизматлари учун тўланадиган йиллик фоиз 7 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Тежалган ва жамғарилган сармояларингиз янада катта режаларни амалга оширишга хизмат қилиши мумкин.

### ТАКЛИФ СИЗДАН - САРМОЯ БИЗДАН!

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки шу кунларда жисмоний шахслар учун ўзининг юқори фоизли «Янги йил совғаси», «Тараққиёт» ва «Фаровонлик» номли янги омонат турларини жорий этди. Шунингдек, банк аҳолига турли қулайлик ва имтиёзларга эга бўлган «Истиқлол», «Иқбол», «Ёшлик», «Антиқа», «Сармоя», «Коммунал-люкс», «Она юрт», «Омад», «Кумуш тола», «Меҳрибонлик», «Мададкор», «Камалак», «Нурафшон», «Мафтункор», шунингдек чет эл валютасида қабул этиладиган «Ишонч», «Кафолат» ва «Ишонч плюс» сингари омонат турларини таклиф этади.

Омонатга қўйилган маблағингиз Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунига асосан давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан таъминланади



Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 273-28-11, 273-05-87, 273-43-11
100096. Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси 14.

**Huquq**
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
*Jahongir MAKSUMOV*

Tahrir hay`ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV *(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-82, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks:233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Buyurtma Г — 56. 26 607 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G.HOJIBOYEVA
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 17.00 2345678